



HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLIH: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Ганиева Дилдора

СамДУ КФ уқитувчиси

ЎЗБЕК ТИЛИДА УНЛИ ТОВУШЛАР ТАСНИФИ

Аннотация: мақолада ўзбек тилида унли товушлар тизимининг умумтаълим мактабларида ўқитиш тарихи, мавжуд муаммолар, унли товушларнинг дарслик ва қўлланмаларда берилиши, айрим унли товушларнинг талаффузини ўргатиш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳамда уларни бартараф қилиш бўйича таклиф-тавсиялар баён қилинган.

Калит сўзлар: унли товуш, товушлар тизими, талаффуз, адабий талаффуз, талаффузи қийин унлилар, ўқув топшириқлари, интерфаол усуллар, кўникма, малака

Кейинги йилларда ўзбек тили ўқитиш ҳам компетенциявий ёндашувга асосланиб бормоқда. Умумий ўрта таълим тизимидаги фонетикага доир ўқув материаллари мазмунини такомиллаштириш, ўқувчиларда адабий талаффуз кўникмаларини шакллантириш, унинг натижасида имловий саводхонликни ошириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасидаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Жумладан, нутқ маданиятига катта таъсир кўрсатувчи унли товушларни ўқитиш орқали ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш зарур. Зеро, “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва



имкониятларини сафарбар этамиз”¹, – деб таъкидланиши она тили таълими олдига мамлакатимиз ёшларини ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда эркин ҳамда саводли баён қила оладиган мустақил фикр соҳиблари этиб тарбиялашдек долзарб вазифаларни қўяди. Шу маънода умумий ўрта таълим тизимида унли товушлар тизимини ўқитиш орқали ўқувчиларда нутқий ҳамда лингвистик компетенцияларни, хусусан, адабий талаффуз кўникмасини тўла шакллантириш, имловий саводхонликни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

А. Фитрат сўз ва унинг турлари мавзусига тўхталганда “сўз” атамасига: “Сўз маъно билдирган товушлар тўдасидир”, дея ўзига хос таъриф ҳам беради. Оҳанг масаласига яна мурожаат қилиб, асли ўзбекча сўзлар ё йўғон, ё ингичка бўлишини, асосга қўшилган қўшимчаларни ҳам йўғонлик-ингичкаликда ўзига эргаштиришини таъкидлайди.

Унинг “*босим*” атамаси ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир: “Сўз бир бўғунини қаттиқроқ узуб айтилишидур. Бу бизнинг тилда кўпрак сўзнинг охирида воқеъ бўлса ҳам ҳали қатъий сувратда текширилгани йўқ”². Жадидлар даврида қўлланган ушбу атама бугунги кундаги “урғу” терминига тўғри келади.

Фитрат ўзбек тили товушлар тизими ҳақида тўхталганда уларнинг таснифига доир қуйидаги икки атамани ишлатади: **Унсиз**: б, п, т, ч, ж,...(23та). Унли: о, а, у; ў-ў, э, и-й (9 та. Кирилл алифбосига табдил қилинган вариантдан фойдаланилди). М. Миртожиев эса ўзбек тилида 14 та унли (**и, и, в, ы, у, у, е, а, á, ó, о, э...**) борлигини таъкидлайди³. **Унсиз** атамаси бугунги тилшунослик атамалари сирасида учрамайди. Унинг ҳозирги варианты **ундош** бўлиб, дарсликлар тарихида **шовқинлилар** деб ҳам номланган.

А.Йўлдошевнинг чаласаводлар мактаби учун тузилган “Ўзбек тили дарслиги” грамматика ва имлони ўқитишга мўлжалланган. Дастлабки бўлим “Қандай ёзиш керак?” деб номланади. Фонетика, одатдагидек, товуш ва ҳарфни тушунтиришдан бошланган. Эътиборли томони шундаки, “*Йўғон ва ингичка сўзлар*”, “*Йўғон ва ингичка товушлар*” кабилар бугунги кунда фонетикага доир ўқув материаллари сирасида учрамайди. Бешинчи бўлим газета ҳамда китоблар устида ишлашни ўргатишга мўлжалланган маълумотларни ўзида жамлаган.

Мазкур дарслик А.Фитратнинг тажриба учун ёзилган дарслиги таъсирида яратилган бўлиб, айнан товушлардаги йўғон ва ингичкалик масаласи алоҳида ўрганишни талаб этадики, мазкур тажрибадан бугунги кунда ҳам фойдаланиш мумкин. Фикримизча, бу ҳозирги талаффуз ва имло муаммоларини ечишда самара беради.

Қ.Рамазон ва Х.Қайюмий⁴ларнинг 5-, 6-синфлар учун яратилган грамматикага бағишланган дарслиги “Сарф” деб номланади. Унда, асосан,

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –14-б.

² Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. IV жилд. –Т., 2006. – 29-б.

³ Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Фан, 2013 – 424 б.

⁴ Ramazan Q., Qajumij X. Grammatika. I qism. Sarf. O`rta maktablarni 5- 6- sinflari ucun darslik. – Т.: Oquv-peddavdash, 1937. – 126 б.



морфологияга оид тил материаллари берилган бўлиб, ундан “Фонетика”, “Баъзи ҳарфларнинг имлоси”, “Оҳангдошлик” каби мавзулар ҳам ўрин олган. Таъкидлаш керакки, бу ерда **ундош товуш** атамаси учрамайди, нутқ товушлари *унли* ва *унсиз* товушларга бўлинган. Дарсликда оҳангдошлик мавзусининг мавжудлиги диққатга сазовордир. Бу ерда нутқ товушларининг ўзига хос хусусиятлари орқали сўзларда содир бўлаётган йўғон ва ингичкалик ҳақида маълумотлар морфологик ёндашув асосида ёритилган.

Жадидларнинг саъй-ҳаракатлари билан яратилаётган, ўз даврида секин-аста шаклланаётган миллий руҳдаги “Она тили” дарсликлари ўз ўрнини 1939 йилга келиб А.Ғуломов таъкидлаганидек⁵, 1938 йилда (С.Бархударов ва Досичеваларнинг рус мактаблари учун “Рус тили” дарслиги стабил қўлланма сифатида қабул қилинган), ўзбек мактаблари учун ҳам кейинги йилларда тил меъёрларини белгилашда назарий асос вазифасини ўтаган Олим Усмон ва Барот Авизовларнинг тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун тавсия этилган дарслиги эгаллади⁶.

Энг муҳими, ҳозирги мактаб дарсликларидан учрамайдиган унли ва ундош товушларининг ҳосил бўлишини яққол тасаввур эттириш мақсадида нутқ органларининг махсус чизмаси ёрдамида ҳар бир товушнинг талаффуз ҳолати акс этган расмлар берилган. Айниқса, унлиларнинг ифодаланишига алоҳида урғу берилган. Масалан, [e] унлисининг талаффузи ҳақида қуйидагиларни келтиради: “e ҳарфи сўз бошида келса [йэ] тарзда талаффуз қилинади: ер, емиш, елка, етмиш ва б. Ундош товушлардан кейин келса [э] тарзда айтилади: кел, бел, терак, керак ва ш.к. Методик жиҳатдан эътиборга молик бу далиллар барча она тили дарсликларидан, айниқса, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаб ўқувчиларига мўлжалланган дарсликларда ҳам ўрни-ўрни билан ёритилиши керак.

М.Асқарова, К.Қосимовалар томонидан тузилган 5-синфлар учун “Она тили” дарслигининг 1993 йилдаги 13-нашрида фонетикага доир ўқув материалларининг берилиши “Фонетика ва графика”дан бошланган. Бўлимнинг биринчи мавзуси “Нутқ товушлари ва уларнинг ҳосил бўлиши” деб номланган. Муаллифлар томонидан мазкур дарсликда ўқув материалларини, ҳатто расмдаги нутқ аъзолари акс этган чизмани ҳам, ўқувчининг ўзи тушуниб, хулоса чиқара оладиган даражада, у билиши табиий бўлган мисоллар асосида келтирилгани эътиборга лойиқдир. Хусусан, унли ва ундош товушлар қуйидаги тартибда тушунтирилади:

Расмда кўрсатилган предметларни билдирадиган сўзларни айтинг. (Расмда олма, гилос, узум келтирилган.) Ҳар бир сўздаги унли ва ундош товушларни кўрсатинг. Сиз айтган унлилардан ташқари яна қандай унлилар бор?

Аввал унли кейин ундош товушларни талаффуз қилинг ва саволларга жавоб беринг:

а, б, о, у, т, ў, қ, и, н, е.

⁵Ғуломов.А.Ғ. //Ўзбекистон совет энциклопедияси.–Т., 1981. – 394-б.

⁶Usman A., Avizov B. Ozbek tili grammatikasi. Birinci bolim. Fonetika va morfologija.Toluqsiz orta va orta maktablar uchun darslik.–Т.: Ozdavnaşr,1939. –235 б.



Қайси товушларни талаффуз қилганингизда, ҳаво оғиз бўшлиғида айрим тўсиқларга учрайди?⁷

Дастурда берилганларга диққат қилсак, унда фонетиканинг асоси бўлган нутқ товушлари талаффузи ва имлосига соатлар ажратилганда бир дарсда ёнма-ён ўрганилиши зарур бўлган товушларга эътибор қаратилмаган. Масалан, 35-, 36-мавулар “Нутқ товушларининг маъно фарқлаш вазифаси”, “Айрим унлилар талаффузи ва имлоси”, “у ва и унлиларининг талаффузи ва имлоси”га бағишланган. Агар ўқитувчи [и] ва [э] унлиларини бир дарсда талаффуз асосида бир-биридан фарқлаб ўргатса, яхши натижага эришиш мумкин. Чунки сўзловчилар, асосан, талаффузда [и] ва [э] унлиларини чалкаштиришларига деярли ҳар куни дуч келамиз.

Дастурда яна 37-, 38-мавулар “а ва о, ў унлиларининг талаффузи ва имлоси”, “Қатор келган унлилар талаффузи ва имлоси” учун 2 соат вақт ажратилган. Фикримизча, [ў] унлисининг талаффузи ва имлосига 2 соат вақт ажратилиши лозим. Чунки [ў] унлисининг талаффузи ва шу асосда унинг имлосига таъсири мураккаб бўлиб алоҳида шуғулланишни талаб қилади.

Умумий ўрта таълим тизимида фонетика ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг талаффузи билан боғлиқ камчиликлар устида алоҳида шуғулланилмаслиги жамиятда қатор камчиликларни юзага келтирмоқда. Ўқувчи нутқидаги талаффузий “кемтиклик”ларни академик лицей ёки касб-хунар коллежлари ҳам бартараф этаётгани йўқ. Адабий тилда сўзлаш, тўғри талаффуз билан боғлиқ муаммоларнинг кўп сонли ўқитувчилар нутқида, баъзан она тили ва адабиёт ўқув предметлари ўқитувчиларининг ҳам нутқида мавжудлиги ачинарли ҳолдир. Хорижий тилларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилаётган бир даврда ҳар бир киши, аввало, ўз она тилида равон сўзлай олиши зарур. Зеро, бу инсоннинг жамиятдаги ўрнини, маданият даражасини белгилаб беради.

Мазкур дарсликнинг 32-мавзусида оғзаки ва ёзма нутқ тушунчалари ҳақида назарий маълумот, таъриф киритилган. Бизнингча, дарсликнинг шу ўрнида адабий тилнинг ўқувчи ҳаётидаги аҳамияти, адабий талаффузнинг ўрни ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам берилиши зарур. Чунки аксарият дарсликларда адабий тилнинг таърифи ва шакллари ҳақида маълумот берилиб, унинг киши келажак ҳаётидаги буюк хизмати, аҳамияти ҳақида ҳеч нарса айтилмайди. Тўғрироғи, адабий тилнинг тарғиботи шевада сўзлайдиган ўқувчи фикрини ўзгартирадиган даражада аниқ ва равшан бўлмоғи жуда-жуда муҳимдир.

“Урғу ва унинг турлари”, “Сўз урғуси” мавзуларига 2 соат вақт ажратилган. Чуқурлаштирилган синфларда эса мазкур вақт 4 соатни ташкил этади. Биз буни (сўз урғуси тўғри талаффуз учун зарурий кретерий эканлигини инобатга олиб) ҳамма даражалар учун бир хилда 4 соатга мўлжаллаш керак, деб ҳисоблаймиз.

Дарсликлардан ўрин оладиган фонетикага доир ўқув материаллари, жумладан, машқ намуналари ҳамда топшириқлар комплекс шаклида бўлиши,

⁷ Аскарова М., Қосимова К. Ўзбек тили. Дарслик: 5-синф учун. 17-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 71-б.



яъни бир-бирини тўлдириши муҳимдир. Юқорида таъкидлангани каби тўғри талаффуз билан бирга ўқувчида имловий саводхонлик, сўз захирасининг бойиши, мантиқий фикрлаш каби малакалар ҳам бир пайтда ривожланиб бориши керак.

Хўш, амалдаги “Она тили” дарсликларимиз умумий ўрта таълимнинг асосий таълим воситаси сифатида бу талабларга қай даражада жавоб бера оляпти? Қуйидаги таҳлилларимиз шу саволнинг жавоби билан боғланади.

Ўқувчи талаффузини адабий тил меъёрларига мослаштириш мураккаб масалалардан бири бўлиб, мазкур жараёнда ўқувчиларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида ишлаш талаб қилинади. Мамлакатнинг турли ҳудудларида турли товушлар, бўғинлар, қўшимчалар, сўзлар талаффузи билан боғлиқ муаммолар учрайди. Дарсликдаги машқларда, ўқитувчи томонидан тузилган ўқув топшириқларида ўқувчи учун талаффузи қийин товушларнинг талаффузини адабий меъёрларга мословчи жиҳатларга эътибор берилиши лозим.

Гофир Ҳамроевнинг унли товушлар талаффузи бўйича берган методик тавсиясидан фойдаланиш мумкин:

1.1-жадвал

Унли товушларнинг талаффузи

а	о	и	о‘	е	и
баҳор	она	Куз	Ўктам	елак	нина
		Куй	Ўринбой		нихол
		Чолғу	ўзбек		унди
		Туз	бўз		бирок

1.2-жадвал⁸

[и] унли товушининг турли ўринларда талаффуз қилиниши

Aniq talaffuz qilinadi	Qisqa talaffuz qilinadi	Talaffuz qilinmaydi
igna	oldi, qoldi, keldi, ilidi	sir, pir, kir, (sr)
ip, ilon, it	ish, tish, g‘isht	bilan, bir, biz (blan)
Nafisa, musiqa, nina	ishon, qani, tani	biroq, sira, qir (qr)

Бошланғич синф дастур ва дарсликларида фонетикага доир ўқув материаллари мазмуни таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди:

1-синфда “Товушлар ва ҳарфлар” мавзуси берилган бўлиб, унга жами 28 соат вақт ажратилган. Чунончи:

Товушлар ва ҳарфлар. Унли товушлар ва ҳарфлар; а ва о, и ва у, о ва ў унлиларнинг талаффузи ва имлоси. Ундош товушлар ва уларни ифодаловчи ҳарфлар. Айрим ундош товушларнинг талаффузи ва имлоси (д-т , б-п, з-с ундошларининг талаффузи ва имлоси), сўз охирида, талаффузда тушиб қоладиган д, т ундошлари. Ҳарф бирикмалари: ш, ч, нг. Алифбо: Ҳарфларнинг номи. Ҳарфларнинг бош ва кичик шакллари. Сўзларни алифбо тартибида ёзиш. Алифбонинг аҳамияти.

⁸ Ҳамроев Ғ. Она тили ўқитишнинг самарали усуллари. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Т.: Баёз. 2018. 45-б.



Тутуқ белгиси (ъ), уни сўз таркибида тўғри шакллантириши. Тутуқ белгисининг сўздаги вазифаси: ўздан олдинги унлининг чўзиқ айтилишига, олдинги бўгинни кейинги бўгиндан ажратиб талаффуз қилинишига хизмат қилиши, сўз маъноларини фарқлаши.

Бўгин. Сўзларни бўгинга бўлиши. Бўгин кўчирилиши, бир унлидан иборат бўгинли сўзларнинг бўгинлаб кўчирилиши, тутуқ белгилли сўзларни, кетма – кет келган бир хил ундошли сўзларни бир йўлдан кейинги йўлга бўгинлаб кўчириши. Ҳарф бирикмаси (ш, ч, нг) қатнашган сўзларнинг бир йўлдан иккинчи йўлга кўчирилиши кабилар берилган.

2-синфда биринчи синфда ўтилганлар юзасидан (6 соат) такрорлашдан сўнг фонетикага 50 соат вақт ажратилиб, унда қуйидаги мавзулар қамраб олинган:

Унли ва ундош товушлар, уларнинг бир-биридан фарқи. Товушларни ҳарфлар билан белгилаш. Унли товушлар ва ҳарфлар. Ўзбек тилидаги олти унли товушнинг олти унли ҳарф билан белгилаш. [а] ва [о], [у] ва [и], [э], [ў] унли товушларининг талаффузи ва ундош товушлар портловчи ф ва п, ҳ ва х ҳамда ҳарф бирикмаси билан ифодаланган нг товушнинг талаффузи ва имлоси. Тутуқ белгиси (ъ) ва унинг ишлатилиши, тутуқ белгисининг сўздаги вазифаси кабилар.

“Бўгин” мавзусига доир қуйидаги маълумотлар берилган. Сўзнинг олдинги сатрга сизмай қолган қисмини кейинги сатрга бўгинлаб кўчириши. Сўзда нечта унли товуш бўлса, шунча бўгин бўлиши. Бўгин таркиби унли товушдан, бир унли ва бир ундош товушдан, бир унли ва бир неча ундош товушдан тузилиши кабилар.

“Бўгин кўчириш”га алоҳида эътибор берилган. Сўзнинг бир йўлдан кейинги йўлга бўгинлаб кўчирилиши. Бўгин ҳосил қилган бир унли ҳарфни олдинги йўлда қолдириб ёки кейинги йўлга кўчириб бўлмаслиги. Бир бўгинли сўзлар, (она, аҳил, ўрик, элак каби икки бўгинли сўзларнинг кўчириши учун бўлинмаслиги. Тутуқ белгиси қўйиб ёзиладиган сўзларни бўгин кўчириши учун бўлиниши, тутуқ белгисининг олдинги бўгинда қолдирилиши (ваъ-да, машъ- ал, таъ-лим). Ҳарф бирикмали сўзларнинг бўгинлаб кўчирилиши (си-нгил, кў-нгил, тонг-ги каби) ёнма-ён келган бир хил ундошли сўзларнинг бўгинлаб кўчирилиши (ик-ки, кат-та, ис-сиқ каби) Жарангли ва жарангсиз ундош товушлар, уларнинг имлоси, бундай сўзларнинг ёзилишини сўз охирига унли товуш қўшиб айтиб текириши: (мактабим – мактаб, китобим-китоб, мақсадим – мақсад, умидим – умид каби) Айтилишида тушиб қоладиган ундошлар. (Фарзанд, дарахт, дўст каби) уларнинг имлосига доир ўқув материаллари ўрин олган.

И унлисининг талаффузи ва имлоси

5-машқ. *Қандай сўзларда и унлиси ёзилади, лекин ўқилмайди? Мисоллар келтиринг.*

[и] унлиси ўзбекча ва арабча сўзларда жуда қисқа талаффуз қилинади. Чунончи, билим, илиқ, дин, асир, амир ва б.

Рус ва тожик тилидан ўзлашган сўзларда аниқроқ, чўзиқроқ талалаффуз қилинади. Масалан, кино, бино, физика, дурбин ва ҳк.



6-машқ. Берилган маълумотларни ўқинг ва фонетик машқлар устида ишланг.

[u] ва [y] унлилари айрим ҳолатларда [э] ва [ў] унлилари билан алмаштирилиб имло ва талаффузда турли хатоликларни келтириб чиқармоқда. Уни бартараф этиш учун дарсликдаги маълумотлар кифоя қилмайди.

Фикримизча, [u] унлисининг қипчоқ лаҳжаси вакиллари нутқидаги талаффузи бошқачароқ бўлиб, барча ўринларда қисқа [э] тарзида талаффуз қилинади. Бу муаммони бартараф этиш учун дарсликка илова тарзда қуйидаги фонетик машқларни бериш зарур.

7-машқ. Тўғри талаффуз қилинг.

ин – эн; из – эз; иқтисод–иқтидор; ифлос–нафис; ирода–ибора....

8-машқ. Берилган сўзларни тўғри талаффуз қилинг, маъносини бир-биридан фарқланг. Ҳар бирига маънодош сўз топинг ва улар иштирокида жумла тузинг.

эт – ит	эълон – илон
эл – ил	эшон – ишон
эз – из	эчки – ички
эн – ин	энди – инди

9-машқ. [u]– [y] иштирокидаги сўз жуфтларини талаффуз меъёрлари асосида ўқинг ва қайси тўғри эканлигини аниқланг.

куриш – қуруш	тузилиш – тизилиш
туғулиш – туғилиш	суруш – суриш
тузум – тузим	туруш – туриш
турмиш – турмуш	тийиш – туйиш

10-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилинг ва хато ёзилганларини аниқланг.

Қипчоқ лаҳжасига мансуб ўқувчилар кўп ҳолатларда [ў] унлисини [y] унлиси билан талаффузда ва имлода алмаштириб нотўғри қўллашади.

қўл – қул	қўш – қуш
ғўра – ғура	ғўза – ғуза
қўра – қура	қўшиқ – қушиқ
қўзи – қузи	ўзим – узим
қўй – қуй	тўй – туй
ўй – уй	сўй – суй

[a] ва [o] унлилари талаффузи ҳамда имлоси

Ўзбекча сўзларда [a] унлиси, одатда, аслига кўра талаффуз қилинади, бироқ айрим сўзларда [o]га ўхшаб айтилади, лекин а ёзилади. Масалан, *давом, равон, вагон, нарвон...*

11-машқ. Ўзбек тилидаги тил орқа [o] унлиси бошқа тиллардаги [o]га шаклан ўхшаса ҳам, талаффузда фарқ қилади. (Ўқитувчи ёрдамида талаффуз қилинг.)

тон (сўзидан тонди) –	тон (оҳанг)
ток (узум) –	ток(кучланиш)
том (уйнинг томи) –	том (боб)

12-машқ. Уйга вазифа. Келтирилган халқ мақолларидаги сўзлардан қайсиларида [a] унлиси [o] каби талаффуз қилинади, аммо [a] ёзилади.

1. Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма. 2. Тоза ҳаво – танга даво.

**[ў] унлисининг талаффузи ва имлоси**

[ў] унлисинининг тилимизда бир хил талаффуз этилмаслиги маълум. Дастлаб [ў] унлисининг икки хил талаффузини фарқлаб олиш учун мисоллар шаклдош сўзлардан келтирилади ва ўқитувчи кўмагида бирма-бир талаффуз қилинади:

тўр (уйнинг тўри)	тўр (сетка)
ўр (сочни)	ўр (ўтни)
ўт (ҳаракат)	ўт (майса)
ўсма (ҳаракат)	ўсма (от)

Сўз таркибида талаффуз қилиб бўлгандан сўнг қуйидаги машқ орқали жумла таркибида ҳам айтиб кўрамиз.

13-машқ. *Берилган гаплардаги тагига чизилган сўзларни маъносига кўра тўғри ўқинг ва маънодошларини топинг.*

Меҳмон уйнинг **тўри**да ўтиради. Биз **тўр**ни олиб балиқ тутгани йўл олдик. Онаси қизининг сочини **ўриб** қўйди. Ниҳолни эрта эккан, ҳосилни эрта **ўраб**.

Олтин **ўтда** билинар – одам меҳнатда. **ўтган** булутдан ёмғир кутма. **ўсма** қошни **ўстиради**.

Бундай машқлар биринчидан, ўқувчи нутқини адабий талаффузга одатланишини таъминлайди, иккинчидан, ўқувчининг рус ва ўзбек тили бўйича билимларини ҳам бойитади. Қолаверса, ўқитувчи мазкур машқдаги сўзларни намуна сифатида талаффуз қилиб бераётганда сўзларнинг маъносини ўқувчиларга тушунтиришга ҳаракат қилиб, синонимлардан фойдаланади, натижада таълим олувчининг сўз бойлиги ошишига ҳам эришилади. Ёки талаффуз машқи тугагач, ўқувчиларнинг ўзларига ўзбекча сўзларга маъноси тўғри келувчи бошқа сўзлар топиш топшириғи берилса, уларнинг мустақил ишлашларига, фикрлашларига, олдин ўрганилганларини амалиётда қўллашларига шароит яратилади.

Унли товушлар талаффузига алоҳида эътибор бериш лозим, биринчидан, маъно ўзгаришларига сабаб бўлади, қолаверса, нутқда ундошларга нисбатан кўп марта қўллангани боис битта унли товуш тўғри талаффуз қилинмаса ҳам нутқ бузилади. Шу маънода умумтаълим тизимида унлиларни ўқитишга жиддий эътибор қаратиш, интерфаол усулларни жорий қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –14-б.
2. Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. IV жилд. –Т., 2006. – 29-б.
3. Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Фан, 2013 – 424 б.
4. Ramazan Q., Qajjumij X. Grammatika. I qism. Sarf. O`rta maktablarni 5- 6- sinflari uchun darslik.– Т.: Oquv-peddavnashr, 1937. – 126 б.
5. Фуломов.А.Ф. //Ўзбекистон совет энциклопедияси.–Т., 1981. – 394-б.
6. Usman A., Avizov B. Ozbek tili grammatikasi. Birinci bolim. Fonetika va morfologiya.Toluqsiz orta va orta maktablar uchun darslik.–Т.: Ozdavnashr,1939. –235 б.
7. Асқарова М., Қосимова К. Ўзбек тили. Дарслик: 5-синф учун. 17-нашр. – Т.: Ўқитувчи,1992. – 71-б.
8. Ҳамроев Ғ. Она тили ўқитишнинг самарали усуллари. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Т.: Баёз. 2018. 45-б.